Тошкент ҳақиқати

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

1992 йил 10 октябрь • шанба

№ 143 (10.392). Баҳоси 2 сўм.

ИСЛОМ КАРИМОВ БИШКЕККА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲ давлатлари раҳбарларининг Бишкекда бўладиган учрашувида иштирок этиш учун 8 октябрь куни Тошкентдан Қирғизистон Республикаси пойтахтига жўнаб кетди.

Тайёрагоҳда журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, Президент И. Каримов Бишкекда бўладиган учрашувда иқтисодий, молиявий, коллектив хавфсизлик каби бир қатор муҳим масалаларга ойдинлик киритилади деб умид билдирди.

Ўзбекистон Президентини Республика Олий Кенгаши раиси Ш. Йўлдошев, Республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу куни Бишкекка келди.

Тайёрагоҳда И. А. Каримовни Қирғизистон Республикасининг Президенти А. Акаев ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1992 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДАН НАФАҚАЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР, ҲАМДА БЮДЖЕТ ҲИСОБИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонга ташқаридан олиб келинадиган ёқилғи-энергетика ресурслари қимматлашганлиги муносабати билан ҳамда республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида олдини олиш чораларини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг оз миқдори ойига 2000 сўм қилиб белгилансин.

2. Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ва ногиронларига энг оз миқдори 2500 сўм бўлишидан келиб чиқиб, нафақалар миқдори белгилансин, улуғ Ватан уруши III гуруҳ ногиронлари нафақаларининг миқдори энг оз иш ҳақи даражасига етказилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий таъминот вазирлиги белгиланган энг оз миқдорга асосланиб, фуқаролар иш стажининг оз-кўплигига ва хизматларига қараб меҳнат нафақаларини табақалаштирилган миқдорларда қайтадан ҳисоблаб чиқсин.

4. Бюджет ҳисобидаги муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи 1,6 баравар оширилсин.

5. Болали оилаларга мадад бериш мақсадида болалар учун ҳозирги вақтда амалда бўлган ижтимоий нафақалар ўрта ҳисобда 1,5 баравар оширилсин. Белгилаб қўйилсинки, жами даромади оиланинг ҳар бир аъзосига ҳисоблаганда энг оз ойлик иш ҳақидан ошмайдиган болали оилаларга нафақалар тўланади.

6. Фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 2000 сўм миқдорида белгилансин.

Ойига 8 минг сўмгача бўлган иш ҳақидан олинадиган даромад солиғининг энг кам миқдори (12 фоиз) белгилансин. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида белгиланган тартибда ойига 8 минг сўмдан ошадиган иш ҳақидан табақалаштирилган тарзда солиқ олиш тўғрисидаги таклифларни киритсин.

7. Олий ўқув юртлари талабаларининг стипендиялари, техникумлар ҳамда кийимбош ва овқат билан таъминланмайдиган ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,6 баравар кўпайтирилсин. Талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларининг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинсин.

8. Биринчи марта никоҳдан ўтаётган келин-куёвларга гилам буюмлар ва мебель сотишда имтиёзли тартиб сақлаб қолиниб, оилага бериладиган товон миқдори 5000 сўмгача кўпайтирилсин.

9. Республика маҳалла комитетлари раислари ва котибларининг мансаб маошлари 2 баравар оширилсин.

10. Бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар иш ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар ушбу фармонда белгиланган миқдорларда ўз вақтида тўланишини таъминласинлар.

11. Республика вазирликлари, идоралари, уюшмалари, концернлари, корхоналари ва хўжаликлари белгиланган энг оз миқдорга асосланиб, ишловчиларнинг маошини янада оширсинлар.

12. Ўзбекистон Республикасининг марказий банки корхоналарга, ташкилотлар, муассасаларга иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминловчи чоралар кўрсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 октябрь.



УЧ ҚИТЪА ЮЛДУЗЛАРИ

Кун бўйи шивалаб ёғаётган ёмғир кечга томон тинди. Эҳтимол, табиат ўлкамизда бошланаётган маданият ва санъат байрами — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивали бошланиши олдидан мурувват кўрсатгандир...

Айни чоғда бу галги кузнинг тароватн ўзгача. Нафаси ҳам, жилваси ҳам ўзгача. Бу бежиз эмас, албатта.

Кузнинг дастлабки куни — 1 сентябрда она Ватанимиз — Ўзбекистон эришган мустақилликнинг бир йиллигини зўр қувонч, катта тантана билан нишонладик.

Кузнинг иккинчи ойи — октябрь ҳам ўлкамизга шодлик олиб келди. Уч қитъа мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивали тантанали юриш бошлади.

...Не-не воқеаларнинг шоҳиди бўлган Халқлар дўстлиги саройига келаётган одамларнинг кети узилмайди. Мана, ҳашаматли зал томошабинлар билан лиқ тўлди. Улар орасида Ҳамдўстлик мамлакатларидан келган артистларни, ажнабий меҳмонларни, диёримиз экран санъати намояндаларини кўрамиз.

Саҳнага Ўзбекистон Республикаси раҳбарлари, фестивалда қатнашиш ниятида пойтахтимизга ташриф буюрган элликка яқин мамлакат, шунингдек Ўзбекистон киносанъатининг намояндалари чиқиб келадилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивалини ўтказиш ташкилий комитетининг раиси Э. Самандаров фестивални очиқ деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов Республика Президенти Ислом Каримовнинг Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивали қатнашчиларига йўллаган табрикномасини ўқиб эшиттиради.

Э. Самандаров фестиваль бутун дунёда катта қизиқиш уйғотганини, жаҳоннинг халқаро ва миллий ташкилотларидан вакиллар келганини таъкидлаб, уларни самимий қутлайди. Анжуман дастури унинг ғоят қизғин ва ишчанлик руҳида ўтишини кўрсатиб турибди. Кино усталари ўн тўртта бадиий фильмни танловга тақдим этадилар. Кино бозори иш бошлайди, неча ўнлаб кинотеатрларда фильмлар намойиш этилади, томошабинлар билан қизиқарли учрашувлар бўлади. Фестивалнинг шиори оддий: Ассалому алайкум! Бу — сизга тинчлик, хонадонингизга хотиржамлик ато этсин, деганидир.

Шундан кейин ҳинд киноюлдузи Варшахоним, тунислик машҳур актёр Нуриддин Каспун, таниқли ўзбек актрисаси Дилором Қамбарова тантанавор мусиқа садолари остида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивали байроғини кўтарадилар.

Ҳиндистон Республикаси Ташқи ишлар давлат вазири Р. Л. Бхатиага сўз берилади. Бу анжуман жаҳон маърифатининг ўчоқларидан бири бўлмиш Ўзбекистон истиқлолга эришганидан сўнг ўтказилаётган дастлабки гурунгдир, деди у.

(Давоми 3-бетда).



● Кинофестивалнинг очилиш пайти. Ф. Қурбонбоев ва В. Миленький (ЎзА) сурати.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров 8 октябрь куни Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивалига ташриф буюрган Осиё ва Африка халқлари ҳамкорлиги ташкилотининг Президенти доктор Мурод Ғолибни қабул қилди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида Э. Самандаров ҳурматли меҳмонга мустақил Ўзбекистоннинг, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда эришаётган ютуқлари, маънавий қадриятларимиз тикланаётгани ҳақида сўзлаб берди. Доктор Мурод Ғолиб ўз навбатида истиқлолга эришган ўлканинг қисқа вақт ичида жаҳон ҳамжамиятида муносиб мавқега эга бўлгани республика раҳбарияти изчиллик билан ўтказаётган оқилона ички ва ташқи сиёсат натижаси эканини таъкидлади.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ҲАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИГА МАБЛАҒ АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор иқтисодиётига ўтиш ҳамда истеъмол молларининг нархлари ва хизматлар ҳақи тўхтовсиз ўсиб бориши шароитида республиканинг «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси аҳолининг камбағал табақаларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида ўз устави вазифаларини амалга оширишга ёрдам бериш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан «Маҳалла» жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси марказий банкидаги 700-сон ҳисоб рақамига йигирма беш миллион сўм пул ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Маҳалла» жамғармасига ўтказиладиган пуллар ҳамда бошқа моддий маблағлар асосан камбағал оилаларга, ногиронларга, етим-есирларга, ёлғиз кексаларга моддий ёрдам бериш ҳамда аҳолининг ижтимоий зарур талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган дир.

2. Вазирликлар ва идораларнинг, ассоциациялар, концернлар, корхоналар, хўжаликлар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига инсонпарварлик ва меҳр-шафқат ғояларини тарғиб этишга доир тадбирларни амалда рўёбга чиқариш, республика аҳолисининг энг муҳтож табақаларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Маҳалла» ҳайрия жамғармасига аниқ мақсадни кўзлаб ёрдам бериш тавсия этилсин.

3. Газеталар, журналлар, телерадио эшиттириш муҳарририятлари «Маҳалла» жамғармаси фаолиятини, шунингдек вазирликлар, корхоналар, хўжаликлар ва ташкилотларнинг республика аҳолисига ижтимоий ёрдам бериш борасидаги ишини кенг тарғиб қилишга оид маҳсус рукнларни очсинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ИЛМ-ФАН СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Илм-фан соҳаси ходимларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, уларнинг моддий ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида, Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришга улар қўшган ҳиссани эътиборга олиб:

1. «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синфлар ўқитувчиларнинг иш ҳақини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги фармонининг қуйидаги қисми республика илм-фан соҳаси ходимларига жорий этилсин:

— Улар яшаб турган давлат ва идораларга қарашли уйлар ҳамда квартиралар шахсий мулк қилиб бепул топширилсин;

— ер участкалари ва якка тартибда уй-жойлар қуришга сотиб олиш учун бинокорлик материаллари биринчи навбатда ажратиб берилсин.

Ушбу фармон 1-бандининг амал қилиши меҳнат фаолиятининг ана шу соҳасида камида 10 йил узлуксиз иш стажига эга бўлган илмий ходимлар жумласига кирувчи нафақахўрларга ҳам жорий этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида мазкур фармонни рўёбга чиқаришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор лойиҳасини тайёрласин.

3. Ушбу фармон эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 октябрь.

ДЕҲҚОНЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ДАВЛАТ ХАРИДИ ҲАҚИДА 1992 ЙИЛ 5 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

Районлар	Картошка — тонна: Харид қилинди	фоиз ҳисобида: умумий харид ҳажмига нисбатан	1992 йилда 1991 йилга нисбатан фоиз ҳисобида	Сабзавот — тонна: Харид қилинди	фоиз ҳисобида: умумий харид ҳажмига нисбатан	1992 йилда 1991 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Оққўрғон	2157	46,8	93,0	11386	71,1	93,5
Оҳангарон	1957	25,4	111,8	19812	38,1	91,4
Бекобод	2139	71,3	1,6 м	10555	49,0	87,9
Бўстонлиқ	1009	40,3	71,4	32225	53,2	67,8
Бўка	3181	57,8	1,5 м	20714	69,0	107,4
Қуйичирчиқ	1566	44,7	147,5	7290	36,4	57,7
Зангиота	2555	63,8	70,0	40892	75,7	90,1
Юқоричирчиқ	1854	26,4	78,9	21470	61,3	84,8
Қибрай	1801	40,0	96,3	37810	65,1	84,1
Паркент	1005	16,7	1,8 м	4498	26,4	73,4
Пискент	1408	38,0	79,1	20069	77,1	88,3
Ўртачирчиқ	1625	40,6	106,0	26749	78,6	85,9
Тошкент	9117	101,3	122,5	56888	86,1	99,6
Чиноз	2888	72,2	87,7	13982	60,7	83,2
Янгийўл	4092	51,1	80,7	31262	74,4	98,1
Вилоят бўйича	38354	49,8	102,4	355602	64,0	87,4

5 октябргача бўлган маълумотга қараганда картошка харид қилиш 38,4 минг тоннани, умумий ҳажмга нисбатан эса 49,8 фоизни ташкил қилди. Ҳафта давомида ўсиш 991 тонна ёки харид қилишнинг ҳажмига нисбатан 1,2 фоиз бўлди. Шу билан бирга ҳафта давомида Бекобод, Ўртачирчиқ, Тошкент районларида картошка сотилмади. Умумий ҳажмга нисбатан картошка харид қилиш 9,3 минг тонна ёки бозорларда 24,3 фоиз картошка сотилган.

Сабзавот харид қилиш шу пайтгача 355,6 минг тоннани ёки умумий ҳажмга нисбатан 64,0 фоизга адо этилган. Ҳафта давомида сабзавот харид қилиш 23,9 минг тонна ёки умумий харид қилиш ҳажмига нисбатан 4,3 фоизга етди. Бу рақамларни ўтган йилги билан солиштириб кўрадиган бўлсак, сабзавот харид қилиш 12,6 фоизга камдир. Сабзавот тайёрлаш бўйича Паркент райони харид қилиш ҳажмига нисбатан 26,4 фоиз, Қуйичирчиқ райони 36,4 фоиз, Оҳангарон райони 38,1 фоиз, Бекобод райони 49,0 фоиз орқада қолмоқда. Сабзавот харид қилишнинг умумий ҳажмига нисбатан 20,7 минг тонна ёки 5,8 фоиз маҳсулот бозорда сотилган.

• *Вилоят ҳокимлигида*

Қишга ҳозирлик

МАНА, куз фаслининг ҳам иккинчи ойи ўтмоқда. Кунлар анча совиб қолди. Ҳадемай қиличини яланғочлаб қиш кириб келиши ҳаммамизга аён. Албатта, жамики нарсанинг олдини олган яхши. Зеро қиш мавсумида вилоятимизнинг мактабларида, боғчаларида, турар-жойларда ва аҳоли истиқомат қиладиган манзилларда иситиш қозонлари мунтазам ишлаши зарур. Шу боис ҳозир аҳолининг иссиқ сув, кўмир, газ билан таъминланишини яхшилаш, сув иншоотларининг равонлигини, электр энергиясининг узилишларсиз берилишини ташкил этиш масалалари ўта долзарб ҳисобланади. Буни яхши англаган вилоятимиз ҳокимлиги, мутасаддилар қишга тайёргарлик кўриш бўйича махсус комиссия тузишди. Куни кеча вилоят ҳокимининг биринчи муовини, ана шу комиссиянинг раиси Л. П. Тернових иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Қишга тайёргарликнинг бориши хусусида Паркент районида олиб борилаётган ишлар, боғчалар, мактабларнинг аҳволи, ёқилғи, кўмир, газ билан таъминлаш масалалари ҳақида район ҳокими Э. Рўзматов ҳисоб берди. Жумладан, у Паркент районида иссиқлик бериш бошланганлигини таъкидлаб, ёқилғи материаллари етишмаслигини айтиб ўтди. Унинг бу талаби комиссия эътиборига ҳавола этилди. Тез кунларда барча керакли нарсалар билан аҳолини таъминлашга эътибор қаратилди.

Шундан сўнг сўзга чиққан вилоят турар-жой — коммунал хўжалигининг бош муҳандиси И. Д. Обидов жойларда ишларнинг ташкил қилиниши, долзарб масалаларнинг ҳал бўлаётганлигини, хўжаликлардаги мавжуд муаммолар тез орада тугатилишини айтиб ўтди. Шунингдек йиғилишда вилоят «Ташоблэлсвет» бош бошқармасининг бошлиғи Қ. Х. Бурхонхўжаев ҳам ахборот берди.

Вилоят сув хўжалиги бош бошқармасининг бошлиғи П. К. Каримов аҳолини сув билан таъминлаш, канализация ва бошқа иншоотларнинг ҳозирги аҳволи ҳақида гапириб берди. Жумладан Янгийўл шаҳрида сув тортиб олиш қурилмаси ишга тайёр эканлиги, Олмалиқ шаҳридаги Оқча сув иншоотига маблағ ўтказилганлигини таъкидлади. Йиғилиш сўнгида Тошкент вилоят электрлаштириш тармоғи бошқармасининг бош муҳандиси ўринбосари А. С. Трофимов ҳам олиб борилаётган ишлар юзасидан қисқача ахборот берди.

Комиссиянинг асосий мақсади аҳолининг қиш давридаги ташвишларини енгиллатиш, иложи борича хонадонларни ёқилғи материаллари билан тўлиқ таъминлашдан иборатдир. Йиғилишда бу борада қилинадиган барча тадбирлар келишиб олинди.

«ЧУСОК» БАЙРАМИ

Ўзбекистон пойтахтида корейсларнинг «Чусок» деб аталган қадимий миллий байрами бўлиб ўтди. Одатдагидек бу байрам шоли ўрими бошланишига бағишланди. Тошкентдаги Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғида кун бўйи мусиқа янграб турди.—Байрам хушчақчақлик билан ўтди. Зеро халқ ривоятига кўра шу кун қандай кутиб олинса, ҳосилнинг чўғи ҳам шунга яраша бўлади. Томошабоғнинг катта саҳнасида халқ қўшиқ ва рақс дасталари ўз санъатларини намойиш қилишди. Улар томошабинларни бошланган куз табриги удумлари билан таништирдилар. Ўзбекистон давлат филармониясининг артистлари ҳам байрамга тайёрланиб келган эдилар. Уларнинг ижросида корейсларнинг қадимий ва замонавий қўшиқлари янгради. Энг яхши пазандалар пиширган корейсча таомлар сотилди. Фахрийлар ва болаларга таомлар бепул берилди.

Байрамни республика «Бомминрен» жамияти уюштирди. Корейс миллий анъаналарини тиклаш мақсадини кўзловчи бу жамият кореяни бирлаштиришга кўмаклашувчи халқаро уюшманинг бир бўлимидир.

(ЎзА мухбири).

• *Бекобод районидаги*

«Шоликор» хўжалигидан хабарлар

СЕМИРТИРИШ ҲИСОБИГА

● ХЎЖАЛИКДА чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш имкониятлари ҳам тўла ишга солинмоқда. 5 октябрга қадар 95 тонна ўрнига 103 тонна гўшт топширилиб, режа бажарилди. Молларни сўқимга боқиш давом этмоқда. Молбоқарлар ва мутахассислар ем-хашакдан тежамли фойдаланиб, зоотехника қоидаларига қатъий амал қилиб, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришнинг янги-янги йўлларини излаб топмоқдалар.

40 МИНГ СЎМ ПУЛ ВА 80 ТОННА ШОЛИ

● АБДУВАЛИ Эргашев звеноси аъзоларининг кайфи чоғ ва хурсанд. Бунинг боиси бор. Звено шоли режасини бажарди. 36 тонна ўрнига 100 тонна топширди. Келишилганига биноан режадан ташқари шолининг 50 фоизи звено аъзоларининг ўзига берилди. Оиладаги ҳар бир кишига 8 тоннадан тўғри келади. Бундан ташқари мавсум давомида меҳнат ҳақига ҳар бир оила аъзоси 40 минг сўмдан пул олди. Умуман хўжаликда шоли ўрими қизғин бораяпти. Меҳнатга яраша рағбат кўриш ва ижара пудрати усули ютуқлар гарови бўлаётир. Бир кунда 400 тонна шоли ўриб олинмоқда.

ТАРВУЗ 30 ТИЙИНДАН СОТИЛДИ


● ДАВЛАТ хўжалигининг сабзавоткорлари ҳам самарали меҳнат қилмоқдалар. Бу йил полиз экинлари, айниқса, тарвуздан юқори ҳосил олинди. 200 тонна ўрнига 400 тонна етиштирилди ва режа ошириб адо этилди. Шундан 215 тоннаси давлатга сотилди. Тарвузнинг қолгани ишчиларга арзон баҳода — килограммни 30 тийиндан тақсимлаб берилди.

А. ҚОДИРОВ.



Суратлар муаллифи В. ТЎРАЕВ.

УЧ ҚИТЪА ЮЛДУЗЛАРИ



(Боши 1-бетда).

Аминмизки, фестивалда бундан олдин шаклланган энг яхши анъаналар давом эттирилади, янада бойитилади, кино санъати ва саноатини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшилади. Шу кунларда байналмилал Тошкент шаҳрида Раж Капур фильмлари намойиш этилишидан воқиф бўлдим. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳинд киносанъатининг сўнмас юлдузи Тошкент фестивалларининг доимий иштирокчиси бўлиб, Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашга, меҳр-оқибатни кучайтиришга салмоқли ҳисса қўшган эди.

Россиялик машҳур киноактёр Владимир Меньшов ҳозир бутунлай бошқа даврда яшаётганимизни, ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби борлигини айтиб, иқтисодий танглик, турмуш қийинчиликларига қарамай, бундай халқаро тадбир ўзбек халқининг, республика ҳукуматининг саъй-ҳаракатлари туфайли ўтказилаётганини таъкидлаб, анжуман бизнинг серташвиш замонда одамларнинг маънавий жиҳатдан юксалишига, улар ўртасида аҳиллик қарор топишига ёрдам беради, деди.

Кинофестиваль доирасида собиқ СССР таркибига кирган барча республикалар кинокомпаниялари ва киноуюшмалари раҳбарларининг учрашуви бўлмоқда, деб давом этди Меньшов. Бу учрашувда бир-биримизни қай даражада соғинганимизни, барча жабҳаларда хомталаш кетаётганига қарамай, дилларни, юракларни парчалаш мумкин эмаслигини чуқур ҳис қилдик. Тошкент ўзининг одамлар бошини қовуштирадиган, дўстлаштирадиган байналмилал шаҳар эканини яна бир марта исботлади.

Осиё ва Африка халқлари ҳамкорлиги ташкилотининг Президенти доктор Мурод Ғолиб микрофон олдига келади. Истиқлолни қўлга киритган ўлка жуда оз фурсатда халқаро миқёсда улкан ютуқларга эришди, деб таъкидлади у. Ўзбекистон бугунги кунда уч қитъа кинонамояндаларини тинчлик, хотиржамлик, тотувликни шиор қилиб олган анжуманга чорлаб, кўп савобли иш қилди. Ўзбекистон қадимдан илм-фан, маърифат, маданият маркази ҳисобланган ва ҳозир ҳам шундай. Жаҳоннинг турли минтақаларида уруш-жанжал бўлаётган, қон тўкилаётган бир вақтда сизнинг юртингизда тинчлик, хотиржамлик, одамлар бунёдкорлик иши билан банд, шу туфайли мана шундай анжуманни ўтказиш насиб этиб турипти. Бу республика ҳукумати тўғри сиёсат юритаётганидан далолатдир.

Раж Капурнинг ўғли Рандхирни зал аҳли қарсаклар билан кутиб олди. Унинг туриш-турмуши, юришлари, кулишлари отасини эслатади. Ассалому алайкум, дея сўз бошлади Рандхир, мен сизга Ҳиндистондаги биродарларим, Раж Капур оиласи номидан қизғин салом келтирдим. Сизнинг мамлакатингиз инсоният учун, дунё учун кино ва унинг аҳамияти нимадан иборат эканини дил-дилдан ҳис этган мамлакатдир. Севги ва садоқатнинг, дўстликнинг умуман тили бўлмайди, у чегара билмайди. Хоҳ ҳинд тилида бўлсин, хоҳ ўзбек тилида бўлсин, бир хил жаранглайди, муҳаббат муҳаббат-да! Жаноб Раж Капур фильмлари туфайли мен, оиламизнинг бошқа аъзолари, ҳамюртларим сизлар билан дийдор кўришиб турибмиз. Биз бу анжуманда қайси мамлакатдан келганимизга қарамай, бир-биримизга яқинлашамиз, бир-бирмизни тушунишга ҳаракат қиламиз, бир-биримиз билан биродарлашамиз.

Фестиваль Бош ҳомийси маданият ва умуминсоний қадриятлар Халқ Академиясининг вице-президенти А. Сергеев сўз олади. Мураккаб бир даврда ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий барқарорлик сақланиб турган дўстлик ва тинчлик шаҳри Тошкентда бундай улкан анжуманнинг ўтказилиши жуда қувончли ҳолдир, деди у. Академиямиз низомининг биринчи бандида шундай сўзлар ёзиб қўйилган: мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган, шунингдек бошқа мамлакатлар халқларининг маънавий-маданий меросини сақлаш, ўрганиш ва ривожлантириш, шу асосда жамият барча аъзоларининг маънавий дунёсини бойитиш, инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш ташкилот олдида турган асосий вазифаларнинг биридир. Шунга амал қилган ҳолда фестивалга ҳомийлик қилишни ўз зиммамизга олдик. Айни вақтда сарф-харажатлар Академиямизнинг Ўзбекистондаги бўлими ҳамда унинг ходимлари ишлаб топган маблағлар ҳисобидан қопланаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Раислик қилувчи фестиваль ташкилий комитети номига телеграммалар келаётганини, Чингиз Айтматовдан табрикнома олинганини маълум қилди.

Мезбонлар номидан фестиваль қатнашчиларини киноактриса Дилором Камбарова самимий қутлади.

Бизнинг минтақада қуёш қандай ҳароратли бўлса, ой ҳам шундай шуъладор, юлдузлар ҳам шундай сержилодир, деди йиғилиш сўнгида Э. Самандаров. Лекин бугун, бу оқшом Ўзбекистонда бўлакча юлдузлар шуъла сочмоқда. Бу юлдузлар жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган санъаткорлардир. Уларнинг нуридан қалбимиз мунаввар бўлмоқда.

Юлдузлар порлайверсин, одамларга қувонч улашаверсин, турли қитъалар, мамлакатларнинг халқлари бир-бирига яқин, диллар бир-бирига ошно, эллар бир-бирига ҳамкор бўлаверсин.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивалининг очилишига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Ш. Йўлдошев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков қатнашдилар.

Б. АБДУЛЛАЕВ,
Л. СТРУННИКОВА,
ЎзА мухбирлари.

КИНЕМАТОГРАФЧИЛАР АҲДЛАШУВИ

Собиқ иттифоқ бўлиниб кетиши натижасида республикалар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар узилиб қолди. Ўзбекистон Республикаси давлат киножкомпанияси ва кинематографчилар уюшмасининг ташаббуси ҳамда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро киноанжумани шарофати билан мазкур давлатлар ўртасида маданий, жумладан, кино соҳасидаги ҳамкорлик тикланадиган бўлди.

7 октябрь куни Республика киночилар уйида собиқ иттифоқ таркибига кирган ўн беш республика давлат кинокомпаниялари раислари ҳамда кинематография уюшмаларининг раҳбарлари иштирокида кенг кўламли ҳамкорлик ҳақида битим тузилди. Уни Ўзбекистон Республикаси томонидан Давлат кинокомпаниясининг раиси Х. Жўраев имзолади.

Мазкур давлатлар кинематографиясининг давлат тасарруфидан чиқарилиб, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиши уларнинг ўзаро яқин алоқада бўлиши зарурлигини кун тартибига қўйди. Битим иштирокчиларининг фикрича, бу аҳдлашув ҳамдўстлик мамлакатлари киносанъати муаммоларини, жумладан, фильмлар ишлаб чиқариш, уларни сотиш ҳамда ўзаро ахборот алмашиш ва муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этишни осонлаштиради.

Миллий кинематография раҳбарларининг Тошкент учрашувини ташкил этиш ташаббускорларидан бири, республика кинематографчилар уюшмасининг раҳбари Малик Қаюмов бу ҳақда шундай деди: ҳозирги кунда Собиқ Иттифоққа кирган республикаларнинг киносанъати оғир иқтисодий танглikни бошдан кечирмоқда. Ўзаро ҳамкорлик туфайлигина бу аҳволдан чиқиб олиш мумкин. Шуниси қувончлики, аксарият ҳамкасбларимиз буни тўғри тушуниб, бизни қўллаб-қувватлашди. Ўйлайманки, бу келишув мазкур давлатлар киносанъатининг равнақига самарали хизмат қилади.

Учрашув иштирокчиси, Литва Республикаси маданият ва маориф вазирлиги кино бўлимининг бошлиғи Живиле Тилипавичене қуйидагиларни таъкидлади: Биз мазкур битимга имзо қўйиш билан собиқ иттифоқ қайта тиклансин демоқчи эмасмиз. Аммо шуниси аниқки, кино санъати ҳам бошқа соҳалар каби тор қобиқда тараққий эта олмайди. Бу борада бир-биримиздан ўргансак, тажриба алмашсак фойдадан холи бўлмайди.

Учрашувда миллий кинематографчиларнинг Тошкент баёноти қабул қилинди.

(ЎзА мухбири).

10 октябрь, 1992 йил № 143 (10.392). Тошкент ҳақиқати 5-бет

Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас.

پیشگی هایات
Янги ҳаёт

Қозоғистон жумҳурият ижтимоий-сиёсий газетаси

ТЎРТЛИКЛАР

МАМНУН

Яхшидан яхши иш — ҳислат қолади,
Эслашга лойиқ бир қисмат қолади,
Ўзгалар қалбин доғ, хор айлаб ўтган
Бағритош бандадан лаънат қолади.

●

Мансаб курсисига чиқса таъмагир,
Эл ризқида бўлар доим чангали,
Жабр кўрар тўккан борки ҳалол тер
Токи етмас таъмагирнинг ажали.

Яхши дўст гулга, тупроққа ўхшар,
Сўзлари гулдайин хушбўйга ўхшар,
Гул дер: хуш ҳидни тупроқдан олдим,
Тупроқ дер: хуш ҳидлар гуллардан
юқар.

●

Ўзингни томчи бил, ўзгани дарё,
Қалбинг бир хонадур, эл қалби дунё.
Камтарлик ҳислати шундадир дўстим,
Элни чўнг чинор бил, япроқсен гўё.



ГАЗЕТАМИЗ МЕҲМОНИ

● Қадимий Турон элининг муносиб ворислари.

● Уйғур қизи — Австралия Фанлар академиясининг илмий ходими.

● Тарихий ном ўчмайди.

● «Янги ҳаёт» уйғурлар ҳаётини ёритувчи газета. Унга обуна бўлинг!



УЙҒУРЛАР

Уйғурлар туркий халқлар оиласида энг қўхна, қадимий халқдир. Уйғур сўзи (атамаси) эрамиздан уч аср аввал, Хитой ёдномаларида эса тўрт аср олдин тилга олинади. Маҳмуд Кошғарий шундай изоҳлайди:

«Зулқарнайн Уйғур вилоятига (уйғурлар элига) яқинлашгач, турк ҳоқони унга тўрт минг кишини йўллади. Уларнинг қалпоқлари патлари ҳудди ёввойи қушлар қанотидек эди. Улар ўқ отишга жуда моҳир эдилар. Орқадан ҳам, олдиндан оттандай ўқ отар эдилар. Зулқарнайн уларга ҳайрон қолди. **Инон худхуранд** — булар ўз овқатларини ўзлари топиб еювчи, бировга муҳтож бўлмайдиганлар. Чунки ов бўлардан қочиб қутула олмайди. Қачон хоҳласалар, тутиб ейдилар демакдир. Сўнг ўлка **Худ Хўр** аталиб кетган, «Ху» у га алмашган. Удҳўр бўлган. Сўнгра яна ўзгарган. Уйғур бўлгандир».

(«Туркий тиллар девони». Т., 1980. 1 том. 491-бет).

Машҳур хитой тарихнависи Жонг-Чан «Ғарбга элчи бўлиб келиш» асарида шуларни қайд этади:

«Эрамиздан 138 йил олдин узум, беда, ёнғоқ, пиёз, сариқсоқ, эшғир, пахта маҳсулотларини уйғурлар Хитой ичкарисига олиб кирганлар».

«Туфон тарихи материаллари». У., 1988, 52-бет).

«Эрамизнинг II асрида Олтой тоғ этакларида яшаган чорвачи ўғизлар аслида уйғурларнинг этник қатламидир. Улар Гобининг шимолидаги кенг даланинг ғарбида яшаган уйғурларнинг аждодларидир».

(«Уйғурларнинг қисқача тарихи». СХН. У., 1988, 54-бет).

Бу тарих китобида яна «Уйғурлар бир неча асрларни ўз ичига олган тараққиёт жараёнларини бошдан кечириб, VI-VIII асрларга келганда мустақил, қудратли ғарбий кўча эга давлат қуриб, она тили ва ёзувини давлат тили ва ёзуви режасига келтириб тарих саҳифасида шонли ўрин эгалади» деб қайд этилади.

Уйғурлар эли башарият ақл-тафаккур чашмаси кўз очган, буюк алломалар — файласуфлар, мутафаккирлар, шоирлар, санъаткорлар, саркардалар, фозиллар шон-шуҳрат топган мамлакатдир. Кумира Жува (344—413), Сулбий Сума (339—371), Ҳўгурсур Олтин (481—577), Сужова (VI аср), Бег Мантуг (VI—VII аср), Войсорочин (763—831), Вайсо Божина (VII аср), Войсо Иросонга (VII аср), Пир Ҳуйлон (VIII аср), Апиринчур Тегин (IX аср), Соңқу солу Тутунг, Жамолиддин Кошғарий (X аср), Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Абдураффор бин Ҳусайин, Муҳаммад бин Али, Ҳожим Имомиддин Кошғарий (XI аср), Аҳмад Югнакий (XII—XIII аср), Абу Фазли ибн Муҳаммад Жамол Кошғарий, Насриддин Рубғози, Юсуф Амирий (XIV аср), Саъдиддин Кошғарий, Аҳмад Ҳожибек Кошғарий, Оёзбек Қушчи (XV аср), Султон Саидхон (1495—1535), Султон Абдурашидхон, Мирза Ҳайдар Дуғлоти, Қодирхон Ёрканди, Малика Омонниса (XV аср), Мирза Маҳмуд Чорус, Салоҳий, Гурбатий (XVII аср), Ҳирқатий (1634—1724) Муҳаммад ибн Абдулло Хороботий (1638—1720), Залилий (1672—1759), Наббатий (1692—1760), Низорий (1770—1848) каби ҳазратлар луғоб этган, каломидан томган дуру жавоҳирлар бутун бир авлоднинг, бутун бир туркийзабонларнинг мулки, хазинаси — жаҳон илм-фанига қўшган буюк беназир ҳиссаларидир.

Уйғурлар қадимдан ҳозиргача бўлган ҳаёт тарихида ўзига хос урф-одатлар, анъаналар, ажойиб-ғаройиб афсоналар, ривоятлар, қиноятлар, достонлар яратган ижодкор, меҳнатсевар халқдир.

Қадимий уйғур ёзуви бош, ўрта ва охир деб уч кўринишда 22 ҳарф — 33 белгидан таркиб топгандир. Бу ёзувдаги адабий-бадиий асарлардан намуналар бизгача етиб келган, VI—VIII асрларга тааллуқли «Будда даври уйғур шеърияти», «Идиқут хонларининг туҳфа мангу тоши», «Олтин ёруқ», «Тўво дуоси», «Уйғур донишманди, ботир, қайғвати Билка кул қоғон обидаси», «Икки тегин ҳиконяси», «Муюнчур обидаси», «Кивошшем Пусор», «Шаҳзода Калёмкара ва Папамкара ҳақида ҳиконят», «Тўққиз уйғур қоғон обидаси», «Омитоюс сутро», «Ороховорқа», «Монтри Симит», «Чунг Маймун потромо», «Сакиз югмоқ», «Даютамас сутро», «Икки илдизли юм», «Ўғузнома», «Чистони Элиқбек», «Бахтиер шаҳзода», «Мадҳия», «Адлия ҳужжатлари» шулар жумласидандир.

«Олтин ёруқ», «Қутотғу билик» (1069), «Бахтиёрнома» (1432), «Тазкираи авлиё» (1435), «Қиссасул анбиё» (1310), «Меърожнома» (1437), «Муҳаббатнома» (1353), «Ҳибатул ҳақойиқ», (1340) каби дунёвий машҳур асарлар ҳам қадимий уйғур тили ва ёзувида битилгандир.

Олтой, Тува, Хокас, Буриёт ҳудудларидан қадимий уйғур ёзувидаги ёдгорликлар, Ўрхун, Енисой водийларидан, Хўтан, Кошғар, Турфон, Ганжу, Дунхвонглардан топилган асарлар жаҳон фанига маълум ва машҳурдир.

Фанда машҳур биргина «Турфон текстлари»ни 70 йилдан буён олимларнинг шарқшунослар — Колавис Риррборин, Габойни хоним, Рудзум Фишер, Руддулъ Гирсий, Вернер Неек, Фишер Симо ва бошқалар тадқиқ қилиб, йирик-йирик асарларни эълон қилмоқда. Қадимий уйғур ёзуви марказий Осиёда ислом динини қабул қилмагая сариқ уйғурлар, наймонлар, мўғуллар ва маньжурлар ўртасида маданий алоқа воситаси вазифасини бажарган.

Қадимий уйғур ёзуви туркий халқлар адабий тилларининг шаклланишида ўз таъсирини кўрсатган. Қорахонийлар тили (X—XIII асрлар), Ўғуз-қипчоқ адабий тили (XII—XV аср), Чиғатой тили (XIII—XIV), Олтин Ўрда тили (XIII—XIV), эски ўзбек тили (XV—XVI), эски туркман тили (XVII—, XIX) ва бошқа тилларга ижобий таъсир кўрсатган.

Араб тарихчиси ибн Арабшоҳ (1388—1450) шундай ёзади:

«Чиғатойликларда қадимий уйғур ёзуви жорий этилган... Бу ёзувда фармонлар, хат-алоқалар, ғазаллар битилган. Тарих, ҳиконлар ёзилган. Шу билан яна Чингизхоннинг амри-фармонлари, Темур қутлуқ ёрлиқлари, Тўхтамиш ёрлиқлари шу уйғур ёзувида ёзилган. Бу ёзувни билганлар хор бўлмаганлар».

Минг йилдирки, Турон эли тарих кўрмаган қирғинликлар, жангу жадалларни бошидан кечирди. Аср замонлар ичра бузилмаган моддий, маданий ёдгорликлар, осору атиқалар, нодир ёдномалар йўқотилди, талон-торож қилинди.

Уйғурлар элига 1755 йили Хитой — манжур босқинчилари тажовузкорона бостириб кирди. Хитой империясининг жабру зулмини тортган уйғурлар эрк, истиқлолият йўлида кенг халқ қўзғолонларини давом эттирди. Сабру таҳаммул косаси тўлиб-тошган халқ сафга турди. Бу ғаро, Ҳимолай, Қуанълун ва Олтой тоғ этакларида озодликка ташна юракларнинг ларзакор нағараси янгради. Уйғурлар элининг оромини пароканда қилган босқинчиларга қарши бу нағра бутун элни қурашга отлантирди. 1824 йили Кошғарда Жаҳонгир Ҳўжа, 1862 йили Кучорда Рашиддинхонўжа, 1864 йили Илида Абдурусулбек, Содирполвон, Аъло Полвонлар бошчилигида кўтарилган халқ озодлик қаракати ғалаба қозонди. Сон жиҳатдан кўп, қурол-аслаҳа жиҳатдан қучли бўлган Хитой империяси Жаҳонгирхўжа қўзғолонини қонга бостирди. Сарварини жодуга босди. Кошғарни қонга ботди. 1826—1829 йилларда Кошғариядан 100.000 нафар уйғурлар Фарғона водийсига кўчиб ўтди.

Маълумки, уйғур, ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман халқлари қадим-қадимдан қон-қардош, диндош, тандирлари бир-бирига маҳкам боғланган, анъаналари, урф-одатлари, маросимлари ҳамоҳанг, ҳамнафас халқлар эди. Бу халқларнинг дўстлиги, қардошлигининг теран илдизлари жуда ҳам қадим даврларга бориб тақалади. Таъбир жоиз бўлса, уйғур-ўзбек халқлари бир водийнинг икки деҳқони, бир гулзаннинг икки боғбонидир.

Ўрхун—Енисей ва қадимий уйғур ёзувларида битилган моддий-маданий, адабий-бадиий ёдгорликлар, тошга битилган (Будда даври уйғур шеърияти. Икки тегин ҳиконяси, Ўғузнома, Чистони Элиқбек, Дада қуркут достонларидан), маҳомлардан, назм-наволардан уйғур-ўзбек халқлари бирдай баҳраманд бўлиб келганлар.

Ҳозиргача уйғур ҳонадонининг куйига ўзбек раққосаси, ўзбек баҳшисининг дўмбирасига уйғур созандаси жўр бўлиб келмоқда. Ўзбекистон-тарихи уйғур халқининг қардош халқларга нисбатан бирор ножўя қаракат, бирор социал зиддият, бирор фитна-фасад, бирор қарама-қаршилик, миллатлараро нифоқ туғдирганини билмайди. Мураккаб, оғир дамларда, жиддий синовларда уйғур-ўзбек халқлари ҳамиша ҳамнафас, яқдил, ҳамкор ва дўстликда яшаб келди ва келмоқда.

Қанчадан-қанча даҳшатли таъқиблар, дарбадарликларга учрамасин Ўзбекистондаги қардош халқлар биринчи навбатда ўзбек халқининг ёрдам, мададкорлиги туфайли уйғурлар сақланиб, иқтисодий, маданий, илм-фан соҳаларида ҳам ҳеч қачон ютуқларни қўлга киритди. Айтайлик, Ўзбекистонда 100 дан ортиқ уйғур олимлари (фан докторлари 8, фан номзодлари 91 нафар), 350 дан зиёд инженерлар, техниклар, кўплаб истеъдод соҳиблари шукроналик туйғуларимиз исботидир.

Бизнинг олдимиздаги энг муҳим масала уйғурлар тарихини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, бу халқнинг минг йиллардан иборат яшаш тарихини ҳаққоний ёритишдир, миллий қадриятини янада ривожлантиришдир.

Уйғур ва ўзбек халқларининг назму наволари бир хилда янграйди. Уйғур хонандасининг куйига ўзбек раққосаси, ўзбек баҳшисининг дўмбирасига уйғур созандаси жўр бўлади. Бу икки халқнинг тили, дили, динигина эмас, санъати ҳам бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган. Суратда: уйғур мусиқа фольклорининг билимдони Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Султонмурод Рўзамов.

ЖАҲОН КЕЗГАН ҚИЗ

— Мен инсоният тақдирига қизиқиш ниятида оламни кездим,— десам лоф бўлмайди,— дейди Дилбар Аюб қизи — 1950 йили Уйғуристоннинг Ғулжа шаҳрида кичик тижоратчи оиласида туғилдим. Ётти ёшимда Хитойнинг Нанжин шаҳрида Хитой мактабида таҳсил кўрдим. Харбин шаҳрида ўқишни давом эттирдим. Хитой тили билан бирга рус тилини ўргандим. Бу даврда Хитойдаги сиёсий вазият оғирлашди. Хитой коммунистик партияси ёппасига тозалаш ишларини олиб борди. Отам маърифатпарвар шахс бўлганлигидан ўша кезларда юргизилган сиёсий фаолиятларга кескин норозн бўлди. 1960 йили Туркияга кетишга қарор қилди. Туркияда (Истанбулда) турк бошланғич мактабида ўқидим. Бу жараёнда турк, инглиз тилларини яхшн ўргандим. 1970 йили Тайванда университетни аъло даражада битириб, француз, немис тилларини ихлос қўйиб ўргандим. Туркия ташқи ишлар вазирлигида дипломат бўлиб ишладим. 1980 йили Туркиянинг Бижин (Пекин)даги элчихонасида таржимон бўлиб, 1981—1982 йилларн Туркиянинг Москвадаги элчихонасида масъул котиб вазифаларида ишладим. Дам олиш ойларимда Америка ва Англиянни айланиб чиқдим. 1982 йили Австралиялик ёзувчи, парламент аъзоси Туволтсга турмушга чиқдим. Канберра шаҳрининг фуқароси бўлиб қолдим. Умр йўлдошим ёзувчилик билан бирга кўпинча ижтимоий фаолиятларга қатнашади. Халқлар тарихига қизиқади. Айниқса уйғур халқининг ҳаётини ўрганишга бутун эътиборини қаратади. Менн руҳлантиради...

Дилбар Аюб қизи Олмаота шаҳрига ташриф буюрганида «Янги ҳаёт» газетаси меҳмони бўлди. Австралия фанлар академиясининг илмий ходими сифатида «1911 йилдан 1980 йилгача бўлган даврда уйғур халқининг бошидан кечирган тарихидан» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Бу илмий ишда Уйғуристон истиқлолияти учун қурашган халқ севган раҳбарлар Темур ҳалфа, Собит домулла, Ҳўжаниёз ҳожи, Алихон тўра Соғуний, Аҳмаджон Қосимий, халқ қаҳрамони Ғани Ботурлар ҳаёти, фаолиятини кенг ёритган. Австралия Фанлар академияси бош қутубхонасидаги хитой, инглиз, немис, француз, турк ва уйғур тилларидаги материаллардан фойдаланган. Лондонда нашр этиладиган «Индейиндент ун сундай» журналида эълон қилинган Туркистонга доир маълумотлардан фойдаланиб уйғурлар ҳақида мақола ёзган. Ҳозир докторлик диссертацияси устида материаллар тўпламоқда.

Дилбар Аюб қизи сафари давомида Уйғуристонда нашр этилган сиёсий, тарихий, адабий-бадиий асарлардан, Ўрта Осиё жумҳурнятларида чоп этилган китоб-журналлардан уқувли фойдаланиш учун ўзбек, қозоқ тилларини ўрганишга жуда ихлос қўймоқда, бу билан уйғурлар тарихини бойитишга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Е. СОБИТИЯ.



• *Нуқтаи назар*

УЙҒУРИСТОННИ БИЛАСИЗМИ?

Хитой ва рус империялари энг қадимий қўҳна мамлакат Уйғурияни хомталаш қилиш мақсадида ҳар хил номлар билан, айтайлик, Ғарбий ўлка, Чиний Туркистон, Шарқий Туркистон, Шинъжонг ва Автоном район деб айюҳаннос солиб келдилар. Мақсад — Уйғурия қадимийлигини, бу номга мансуб халқ жаҳонда энг буюк тарихий давлатини ташкил этиб, ўзини танитганини, уйғур тили ва ёзувига давлат тили ва ёзуви мақоми берганлигини, ўз байроғи, ўз пули (танга си), ўз армияси мавжудлигини кўра олмай мустамлакачиликни ижтимоийлаштириш эди.

Улуғ Оқ хун тангриқутлиги (эрамизнинг 420—560 йиллари), Уйғур қоғонлиги (487—556), улуғ Кўктурк уйғур қоғонлиги (547—746) мустақил, қудратли ғарбий кучга эга давлат қуриб яшаганлиги ўрта аср тарихларида кенг баён этилади.

Милоднинг 647-йили Тумид Тутиқ ўзини уйғур хоқони деб эълон қилар экан, тарихда Уйғурия давлатини ташкил этади.

Хитой империясининг сохта тарихчилари Уйғурияни ўз тасарруфига олмоқ мақсадида «Ғарбий диёр», «Ғарбий ўлка», «Чиний Туркистон» деган номларга ургу бериб тарихни сохталаштиради. 1871 йили Уйғурнянинг Или районини босиб олган Рус империяси Шарқий Туркистон номини истеъмолга киритишни мақсад этади ва Турон элини иккига бўлиб ташлайди.

Турон — шимолда Сибирия, жанубда Афғонистон, Ҳиндистон, Тибет, шарқда Уйғуристон ва Мўғулистонни бирлаштирган туркий халқлар иттифоқидаги бир бутун ҳудудга берилган этник ном эдики, рус империяси тажовузкорона сиёсатини амалга оширши мақсадида тарихни сохталаштиради.

1880 йили Хитойнинг Шанши, Ганьсу ўлкаларини шимолий милитарист қўмондон Зу-зунг-тонг дастлаб «Чиний Туркистон» номини қўллашга ижозат берса-да, кейинчалик Шинъжонг (янги ер, янгидан топилган ўлка) деган номни қўллашга фармон чиқаради.

Воқеанчи Зу-зунг-тонг:

«Уйғурияни тиз чўктириш, тарихий шон-шуҳратини йўқ қилиш учун уларнинг тарихини, маданиятини, маънавиятини, тил ёзувини емириб ташламоқ керак»,— деб ёвуз ниятини амалга оширади.

Мао Цзе Дун даврига келиб «Шинъжонг автоном райони» (1955) номини қарорлаштиради. Уйғурия-Уйғуристон 1.710.000 квадрат километр ҳудудга эга, бой, маҳсулдор, Турон ва Шарқнинг муҳим тарихий, маданий марказн сифатида алоҳида ўрин тутган диёрдир.

Уйғурия—Уйғуристон деган ном уйғур миллатига мансуб уруғ ва қабилаларнинг қалбларига чексиз илҳом, ғурур ҳадя этиб, аждодларимизнинг покиза руҳи мисоли авлодларимиз дилларини ёритиб янграйди.

Энди тарихнинг аччиқ зарбалари, чарх кажрафторларининг бутун азоб-уқубатларини бошидан кечирган, улуғ саркарда, оқил шоҳ Тумид Тутиқ авлодларини алдаб бўлмайди. Ғарбий диёр, Чиний Туркистон, Шарқий Туркистон, автоном район қабилидаги мустамлакачилик сиёсати учун мослаштирилган номлар, тажрор айтамизки, маълум сиёсий, иқтисодий, ижтимоий воқеалар силсиласига бевосита алоқадордир.

Тарихий, илмий адабиётларда Уйғуристон атамаси минг йилларга тенг тарихий даврни босиб ўтди. Бу демак, халқнинг (миллатнинг маижудлигини, ўз мустақил тарихий ҳудудига эга эканлигини намоён этади.

Танри тоғ, Хонтангри, Олтой-Ҳимолай этакларидаги эрк, истиқлолга ташна халқ фарзандлари қалбида, қон томирида озодлик, адолатга интилиш руҳи ҳеч қачон сўнмагай.

ЛУТФУЛЛА МУТАЛЛИБНИ ХОТИРЛАБ

Шу йил 27 сентябрь куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан жумҳурият уйғур маданияти жамияти жамкорлигида уйғур шеъриятининг байроқдори, халқ озодлик ҳаракатининг сарвари Лутфулла Муталлиб таваллудининг 70 йиллигини хотирлаш кунини ўтказишди. Уйғур маданияти жамиятининг раиси А. Бароев хотира мажлисини очар экан, мустақил жумҳуриятимизда миллатлар иттифоқини мустаҳкамлаш ва миллий маданиятни юксалтиришдаги амалий фаолиятлар ҳақида фикр юритди. Филология фанлари номзоди Осим Боқий ўғли Лутфулла Муталлиб ҳаёти, серқирра ижоди ҳақида маъруза қилди. Ноёик шеърий табиатга, ўткир салоҳиятга эга Лутфулла Муталлибнинг кўп қиррали адабий фаолияти янги давр уйғур адабиёти тарихида биринчи жангчи шоир-ёзувчи, биринчи публицист ва драматург, биринчи адабий танқидчи ва моҳир рассом, биринчи режиссёр ва артист, биринчи уста мусиқа ижодкори, атоқли нотиқ ва тарих билимдони сифатида мўътабар ўринни эгаллаганлигини далиллаб берди. Замонасининг ва ҳозирги уйғур адабиётининг янгилиги, мунаффақияти, шон-шуҳрати қанчалик бўлса, уларнинг ҳаммаси Лутфулла Муталлиб номи билан муайян боғлиқлигини, уйғур адабиёти санъати тарихида у ҳалигача биринчи доирлофунун эканлигини таъкидлади. Бутун бир даврнинг натижаларини назмга солиш ва насрга жойлаш, даврнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий сабабларини дадил кўрсатиб бериш, жаҳолат ва зулмат гирдобида адолатни улуғлаш, қоронғулик дунёсига ўт қўйиш — мана шуларнинг ҳаммасида Лутфулла Муталлибнинг улуғвор сиймоси намоён бўлади.

Лутфулла Муталлиб билан бирга ўқиган, бирга фаолият кўрсатган сафдошларидан Иброҳим Қурбон минбарга чиқар экан, Лутфулла Муталлиб уйғур адабиётининг ғоявий йўналиши, мавзу доираси ва жанр имкониятларини кенгайтирганлигини, бадиятни юқори кўтарганлигини алоҳида таъкидлади. Лутфулла Муталлибнинг ижодий — уйғур адабиётининг қисмати учун бениҳоя муҳим ва унинг камолотини белгилайдиган асосий мезон, қатта имконият берадиган бой майдондир.

Уйғур адабиётида Лутфулла Муталлиб ҳақида қанчадан-қанча шеърлар, ғазаллар, муҳаммаслар, баллада ва достонлар, очерк ва лавҳалар, қисса ҳамда романлар, драмалар, бадиий фильмлар, илмий-назарий тадқиқотлар яратилди. Унинг бой, мазмундор, баракали ижоди хитой, рус, инглиз, турк, немис тилларида чоп этилди. Шеърий девонлари қозоқ, ўзбек, татар, қирғиз, мўғул, япон тилларида босилди.

Хотира йиғинида шоирлардан Рўзи Қодирий, Саодат Бобожонова, Потигул Ҳафизовалар Лутфулла Муталлибга бағишланган шеър, қасидаларини ўқиб бердилар.

Уйғур ашула ва рақс дастасининг хонанда ҳамда созандалари Лутфулла Муталлиб шеър, ғазалларига басталанган қўшиқларини ижро этишди. Тошкент вилояти ва шаҳар жамоатчилиги, Туркия ва уйғурлар еридан келган вакиллар бу хотира кунидан бениҳоя мамнун бўлишди.

Шукри АБДУЛЛА.

«ЯНГИ ҲАЁТ» ГАЗЕТАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЎҚУВЧИЛАРИГА!

Уйғур тили, араб ёзуви даги газетангизга 1993 йилучун обуна бошланди. Се вилоят газетангизни янги йилнинг 1 январидан бошлаб 12 саҳифа ҳафтанома ҳолида ўқийсиз.

Газетанинг олти ойлик баҳоси 69 сўм 60 тийин.

Индекси — 65359.

Ушбу саҳифани «ЯНГИ ҲАЁТ» газетаси ходимлари ва филология фанлари номзоди ОСИМ БОҚИЙ ЎҒЛИ тайёрлаганлар.

КЎРИНГ ТОМОША, ҚИЛИНГ



Душанба, 12. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Лола Оқилова рақсга тушади». Фильм-концерт.
8.00 «Тергов давом этади». Бадиий фильм.
9.25 Болалар учун концерт.
10.00 Турк тили.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Электромагнит тўлқинлар.
11.00 «Ер ости бойликлари». Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. Мусбат ва манфий сонлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ялқов». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Талабалик йилларим».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти. (рус тилида).
19.20 Тижорат хабарлари.
19.25 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
19.40 «Осиё овози-92» халқаро танлови: учрашувлар, таассуротлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
21.30 Бадиий фильм (Ҳиндистон).
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Ассалому алайкум».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.25 «Миришкорлар».
20.55 «Суҳбатга чорлаймиз».
21.40 «Лаҳза». Хабарлар.
21.50 «Имконият». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 12.20, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якунлар».
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Телпак». Бадиий фильм.
10.45 «Бир сўзни деб...».
11.15 «Марафон-15».
12.00 Янгиликлар.
12.25 «Масхарабоз».

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 Болалар телевидениеси ассоциацияси. «Мен» студияси. Воронеж шаҳри.
17.35 «Эстон маятниги». Нарва, Кохтла-Ярва шаҳарларидаги рус тилида сўзловчи аҳолининг аҳволи.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Футбол шарҳи.
18.55 «НЭП».
19.25 «Танур узра юлдузлар ҳам чарақлайди...» Телевизион бадиий фильм премьераси («Тожикфильм»).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Спорт уик-энди».
21.40 «Турмуш ижир-чижирлари». Бадиий телефильм премьераси. 3-серия.
«Янги студия» таништиради:
22.10 «Бомонд».
22.25 «Бироқ».
22.35 «Қаранг, ким кетди!..»
23.05 Хабарномалар.
23.40 «Евгеник ва...»
23.50 «Биз».
00.35 «ОБА-НА». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «XX аср кадрда ва кадр ортида».
9.45 «Сиз яратган боғ».
10.15 Уз ишининг усталари. Композитор Вячеслав Артемов портрети.
11.25 Америка шоирларининг шеърлари.
11.45 «Оқ қарға».
12.30 Мульти-пульти. «Дайди тўтининг қайтиши».
12.40 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 84-серия.
13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.25 «Бурда моден» таклиф этади...»
15.55 «Калит» кўрсатуви. «Конетабль тушлари». Ҳужжатли фильм.
16.25 Янгиликлар.
16.40 «Смирновлар оиласи. Бундан буён қандай яшаш керак?». Телефильм (Австрия).
17.25 «Катта давра».
17.45 Мульти-пульти. «Менинг онам — сеҳргар».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 Манзарали фильм.
18.30 Хабарлар.
18.45 Болалар даврасида.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.00 Душанба куни детектив. «Биринчи учрашув — сўнгги учрашув». Бадиий фильм.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.30 «Хонанда».
21.05 «Эртанги кун бугундан бошланади».
21.55 Туркия манзаралари.
22.00 Хабарлар.
22.20 «Эҳ, қўшниси тушмагурлар».
22.45 «Турникет» мусобақалари.
23.30 Аёллар салони.

Сешанба, 13. X

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Алдар Кўса», «Алдар Кўса ва бой». Мультфильмлар.
18.35 «Муниса рақслари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Спортлото».
19.25 Дутор ва танбур тароналари.
19.55 «Нодир китоблар». Адабий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.15 XI Тошкент халқаро кинофестивали. «Фестиваль учрашувлари».
23.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
23.30 «Қайнона». Бадиий фильм.
00.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.10 «Мусиқали меҳмонхона».
19.40 «Алоқалар ва шартномалар».
20.10 Тижорат канали. «Урта Осиё темир йўли: бугун ва эртага».
20.40 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.50 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.05 «Турмуш ижир-чижирлари». Бадиий телефильм. 3-серия.
10.35 «Радуница» ашула-чолғу ансамблининг чиқиши.
10.50 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан).
11.30 Футбол шарҳи.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Бальзаминовнинг уйланиши». Телевизион фильм-балет.
13.25 «Икковлон». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
13.55 «Бегона қўнғироқ». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 Ишбилармонлар хабарномаси.
15.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 «Бизнинг мусиқий клуб».
17.45 Телефильм.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
19.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Миниатюра». Мусиқий кўрсатув.
20.00 «Мавзу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 Режиссёр А. Вайда фильмлари. «Мармар одам» (Польша).
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Ҳақиқат онлари. А. Караулов саволларига балерина Нина Ананиашвили жавоб беради.
9.45 Ишдан бўш пайтингизда. «Қўлни бер, дўстим».
10.00 «Америка юлдузлари».
10.30 Вариацияли мавзу. «Мусиқий калейдоскоп».
11.20 Параллеллар. «Маданият орқали тинчликка».
11.35 «Капустин Яр. Йиллар оша нигоҳ».
12.05 Кундузги сеанс. «Тергов». Бадиий фильм.
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.00 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.55 Телебиржа.
16.25 «Бадабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
16.45 Мульти-пульти. «Ҳар оқшом ҳам».
16.55 Янгиликлар.
17.10 Ота-оналар учун эртаклар.
17.40 «Келинг, аниқлаб олайлик».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 «Амалий санъат». Ҳужжатли фильм.
18.30 Хабарлар.
18.45 Халқ рақслари.
19.00 «Серташвиш онла».
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.
20.20 Қўшиқлар китоби.
21.05 «Ҳазонрезгилик».
21.55 Туркия манзаралари.
22.00 Хабарлар.
22.20 Ҳужжатли фильм.
22.45 «Хонанда».
23.30 Экранда Туркия киноси.

Чоршанба, 14. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Томоша». Телефильм.
7.55 «Ажойиб хаёлпараст». Бадиий фильм.
9.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Рўзғор ташвишлари».
10.00 Араб тили.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология.
11.00 «Низомиддиновлар оиласи». Болалар учун концерт.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Алдар Кўса қандай қилиб йўлбарсни лақиллатди», «Қувноқ алдоқчи». Мультфильмлар.
18.30 «Шоирлар — болаларга».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Хавфсизлигинг ўз қўлингда».
19.45 «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Мадраҳимова». Видеофильм. премьераси.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Ҳуқуқимизнинг олий дастури».
21.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.00 Футбол. Осиё кубоги. Ўзбекистон ва Қозоғистон терма жамоалари. «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган).
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.40 «Шарқ лирикаси».
20.05 «Уй-жойларни хусусийлаштириш — бозор иқтисодиёти талаби».
21.05 «Ишбилармонлар».
21.50 XI Тошкент халқаро кинофестивали. «Фестиваль учрашувлари».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм.
10.05 «Юғур-юғур». Телефильм премьераси (Пермь).
10.25 Рус мусиқалари саҳифалари.
10.55 Мультфильмлар.
11.20 «Бизнинг мусиқий клуб».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Қуёш болалари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
13.45 «Утган йилги кадриль». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 «Қувноқ теплоход». Нижний Новгороддан кўрсатилади.
17.20 Мароқли саёҳат. «Рейс 9:10» (Испания).
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
18.50 «Ҳарбий ревю».
19.20 «Останкино» хит-паради.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Савой». Бадиий фильм.
22.45 «Манбалар» туркумидан телефильм премьераси (Красноярск).
23.10 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Россия — Исландия терма командалари. В. И. Ленин номли Марказий ўйингоҳдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 Ватаним менинг. «Рязань таассуротлари».
9.50 Мульти-пульти. «Қаерда сан, тулпорим?».
10.00 Параллеллар. «Меҳр-шафқат даври».
11.00 «Чашмалар».
11.30 Ретро. Т. Миансарова куйлайди.
12.00 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
12.45 «ОЗ» кўрсатуви.
13.15 «Мен — отилган ёйман». «Яшиллар» ҳаракати ҳақида.
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.00 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.35 Ишбилармонлар олами ҳафта давомида.
15.50 Эълонлар.
15.55 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
16.40 «Ютқазишсиз ўйин».
17.25 Янгиликлар.
17.40 Мульти-пульти. «Баджахл мушук», «Оқ майса».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 «Мемнуне миллиардер».
18.30 Хабарлар.
18.45 Болалар даврасида.
18.50 «Қора денгиз». Ҳужжатли фильм.
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 Криминал хабарлар экрани.
20.10 Камера ўтмишни тадқиқ этади. «Ракета инқирози». Ҳужжатли фильм. 1-серия.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.00 Видеофильм.
22.00 Хабарлар.
22.20 «Умид таксиси». Видеофильм.
22.50 «Бизнинг қўшиқлар».

Пайшанба, 15. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Зарипов чавандозлари». Телефильм.
7.55 «Митти қочоқ». Бадиий фильм.
9.35 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.
10.05 «Фитрат». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. Ҳужайраларининг ўсиши ва бўлиниши.
11.00 «Қўшиқларинг барҳаёт бўлсин». Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшуносли.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Акаиро». Мультфильм.
18.30 «Алифбо сабоқлари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Чорвадор».
19.50 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 XI Тошкент халқаро кинофестивали. «Фестиваль учрашувлари».
22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.45 «Туш ўнгидан келди ёки чемодан». Бадиий фильм.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Бумеранг». Экология кундалиги.
19.40 Мусиқали дақиқалар.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.

6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.05 Мультфильмлар.
10.55 Н. Будашкин номли рус халқ чолғулари ансамблининг концерти. Читадан кўрсатилади.
11.20 «Вориси йўқ». Телефильм.
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Қуёш болалари». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.45 «Тор доира». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 «Хонатлас». Телефильм премьераси (Тошкент).
17.15 «Олеся ва компания». Болалар учун кўрсатув.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.10 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.55 «Тасвирдаги суврат». Е. Гайдар ва унинг командаси.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Кинопанорама».
22.35 «Қора қути».
23.10 «Бу жозибали рақс».
00.05 Янгиликлар.
00.40 «Видеодром».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Камера ўтмишни тадқиқ этади. «Ракета инқирози». Ҳужжатли фильм. 1-серия.
9.40 Мульти-пульти. «Қизил денгизни ким бўяб қўйди?».
9.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
10.05 «Экзотика».
11.05 «Тоғлардан ҳам яхши жой фақат тоғ бўлади» (Пятигорск шаҳри).
11.50 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 85 ва 86-сериялар.
13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.55 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.30 «Бизнес — янги номлар».
15.45 «Рост» студияси. «Мурзилка» байрами». 1-қисм.
16.15 Янгиликлар.
16.30 Трансросэфир. «Хусусийлаштириш панорамаси»
17.15 Шундай яшаяпмиз. «Ёпиқ шаҳар».
17.45 «Ҳар бир кун байрам».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 Ёшлар.
18.30 Хабарлар.
18.45 «Ислом маданият ёдгорликларида».
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.
20.20 «Дагарджик». Дам олиш кўрсатуви.
21.10 «Катта опа». Видеофильм.
21.55 Манзарали фильм.
22.00 Хабарлар.
22.10 Спорт.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.10 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
23.40 Махсус тижорат хабарномаси.
23.50 Катталар учун мультфильм.
24.00 «Ватаним менинг».

Жума, 16. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Қалдирғоч». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
8.05 «Кузги марафон». Бадиий фильм.
9.40 Болалар учун. «Шаҳрихон гуллари».
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Вася ва овчи мушук ҳақида», «Тиканак пўстинли чўчқа боласи». Мультфильмлар.
18.30 «Шоличилик истиқболи».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Эл фарзанди». Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига.
19.50 «Ўзбекистон боғлари». Телефильм.
20.00 «Машина терими тажрибасидан».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
21.45 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.15 «Йўқолсин севги фронтидаги чайқовчилик». Бадиий фильм.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 «Фазовий келгиндилар». Мультфильм.
18.25 «Байкем, Эжем жана биз».
18.40 «Қайноқ қалб оҳанглари». Ҳужжатли телефильм.
19.30 «Ала-Тоо».
19.50 «Мончиктештируунун журушу қандай!»
20.15 Катталар учун мультфильм.
20.20 «Қирғиз санъати кишилари». Қирғизистон Республикаси халқ артисти К. Карасартов.
21.40 «Ала-Тоо».
21.50 «Назар» (эълонлар, билдирувлар).

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.05 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
10.55 В. Готовцева куйлайди.
11.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Қувноқ бўйдоқлар». Бадиий фильм (Хитой).
13.45 «Мен кутаман...». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Уолт Дисней таништиради...».
17.00 «Марказ».
17.40 «Шеърият альбоми». Д. Веневитинов.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Ҳар бир киши ўзи ҳақида».
18.35 «Қўриқчи». Мультфильм.
18.50 «Инсон ва қонун».
19.20 «Ҳамжиҳатлик йўли».
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Детективлар клуби»да. Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Отчопар». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).
22.55 «Олдиндан сезиш». Телефильм премьераси (Санкт-Петербург).

«ВИД» таништиради:

23.10 «Сиёсий бюро».
23.45 «Музобоз».
01.00 «МТВ». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 Россия қобусномаси.
9.50 Ишдан бўш пайтингизда.
10.05 «Оқ қарға».
10.50 «Околесица» кабареси.
11.50 В. Лебедевнинг «Учрашув» фильми премьераси.
12.45 Кундузги сеанс. «Санта Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 87-серия.
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.00 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.10 Телебиржа.
15.40 «Рост» студияси. «Мурзилка» байрами». 2-қисм.
16.10 Янгиликлар.
16.25 «Келинг, аниқлаб олайлик».
16.40 «М-трест».
16.55 Жума кунлари Уолт Дисней. «Биг Фут». Бадиий фильм. 1-серия.
17.45 «Ҳар бир кун байрам».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 Осиё тароналари.
18.30 Хабарлар.
18.45 Халқ рақслари.
19.00 «Урта Осиё». Ҳужжатли фильм.
19.30 Хабарлар.
19.45 «Сезам» кўчаси.
20.15 «Хонанда».
21.45 Туркия манзаралари.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 Кечки салон.
24.00 «Чакана киши эмас».
00.25 Россия Конституцион суди залидан.
00.55 «Экзотика».

Шанба, 17. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Ёнар тоғ хазинаси». Бадиий фильм.
9.15 «Шоҳруҳ клуби».
9.45 «Олтин ялроқ». Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Неъмат Дўстхўжаев.
10.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга—минг танга».
11.30 Телефильм.
12.00 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Замандас» (қозоқ тилида).
13.00 Тижорат канали. «Танишинг: «Диалог интернейшнл».
13.20 «Сирли сандиқ». Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрининг спектакли.

* * *

18.00 «Сенинм, шошмай тур». Мультфильм.
18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Мерос. «Баёт».
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 «Ҳуқуқимизнинг олий дастури».
21.30 Нодира таваллудининг 200 йиллигига. «Тановор» рақс ансамбли ижросида «Нодира» спектакли премьераси.
22.05 «Бу ерда бегоналар юрмайди». Бадиий фильм.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

6.40, 15.20, 00.40 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спорт-имконият».
9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга».
9.25 «Ўз-ўзингга мадад бер».
9.55 «Саҳнанинг орқа томонидан. Табассум билан».
10.15 «Мўъжизасиз мўъжизалар».
10.45 «Ксениянинг мактублари». Телефильм премьераси.
11.35 Едда қолган фильмлар. «Румянцев иши». Бадиий фильм («Ленфильм», 1955 й.).
13.25 «Мусиқий дўкон».
13.55 «Колима. Урушдан кейинги уруш». Телефильм премьераси. 3-фильм.
15.00 Янгиликлар.
15.25 «Никитанинг болалиги». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Биринчи муҳаббат» туркумидан (Болалар ва ўсмирлар телефильмлари студияси, «Экран» ижодий уюшмаси).
16.35 «Қизил квадрат».
17.15 «Лайлак ҳақида эртак». Мультфильм.
17.25 «Қувноч ва умид уйи» телемарафони. Олмаотадан репортаж.
17.45 «Енотлар». Кўп серияли мультфильм.
18.10 Москва Давлат академик симфоник оркестрининг концерти. Дирижер — П. Коган.
18.55 «Фил ва кўпикча». Мультфильм.
19.05 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Тирранча». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 Аншлаг. Аншлаг. «Бахмал куз».
22.50 «Қувонч ва умид уйи» телемарафони. Олмаотадан репортаж.
23.10 «Анне Вески — Москвада».
00.05 Янгиликлар.
00.45 Охирги киносеанс. «Пришвиннинг қоғоз кўзлари». Бадиий фильм («Ленфильм»).

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ҳужжатли панорама.
9.15 Виолончелда Б. Пергаменшчиков чалади.
9.30 «Хулқ-атвор».
10.00 «Плюс ўн бир» видеоканали.
11.30 Кундузги сеанс. «Марил. Мирабела». Бадиий фильм.
12.35 «Кузирхоним».

*

13.05 — 16.00
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

«Безнен мирас» (татар тилида).
«Чисен» (корейс тилида).
«Қизиқувчилар оламида».
«Поляклар меҳмонхонаси».
«Интерспорт».

*

16.00 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
16.55 «Билл Грэм билан суҳбат»
17.25 Спорт кўрсатуви.
17.30 «К-2» таништиради: «Абзац».
18.00 Хабарлар.
18.20 «Ҳар бир кун байрам».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.30 Хабарлар.
18.45 «Хонанда».
19.30 Хабарлар.
19.45 «Сезам» кўчаси.
20.15 «Тоғ сўқмоқларида». Ҳужжатли фильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.45 «Моҳир сузувчи». Бадиий фильм.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 «Шчеликов ҳақида меҳр-муҳаббат ва ташвиш билан».
22.45 «Ассорти».
23.15 «А» кўрсатуви.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.35 Экранда Туркия киноси.

Якшанба, 18. X

● ЎзТВ I

7.00 Ҳужжатли фильмлар экрани.

*

8.00 «Нодир шахс». Бадиий фильм.
9.20 Спорт кўрсатувлари: 1. Ёш полвонлар мактаби. 2. «Ўзбекистон спорти».
10.20 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
11.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ».
12.00 Рамз Бобожон, Фарҳод Олимов. «Юсуф ва Зулайҳо». Муқимий номидаги мусиқий театр спектакли.

* * *

18.00 «Сенинм, шошмай тур!». Мультфильм.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Катталар учун мультфильм.
19.40 «Хўжа Насриддиннинг саргузашти».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Ҳормайг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.00 «Холодильникда биров бор». Бадиий фильм.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05—12.00 Қирғизистон телевиденнесининг болалар студияси кўрсатади. Программада: «Мезгилбектин», «Баластан», «Ҳамма, ҳаммага хайрли кун!», Бадиий фильм, мультфильм.

* * *

18.05 «Ҳамма учун уй». Мультфильм.
18.30 «Новинки» киноклуби (рус тилида).
19.30 «Ала-Тоо».
19.50 «Элет эстрадаси». «Арашан» ансамблининг концерти.
20.25 «Залкар драматург». Қирғизистон Республикаси халқ ёзувчиси Т. Абдимўминов.

● «ОРБИТА IV»

6.20, 15.15, 00.40 — Кўрсатувлар тартиби.
6.25 «Руҳни чиниқтириш».
7.25 «Эрта саҳарлаб».
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спортлото» тиражи.
8.45 «Винтик ва Шпунтик — қувноқ усталар». Мультфильм.
9.05 «Хива нақшлари» ўзбек фольклор ансамблининг концерти.
9.30 «Димковода баҳор». Телефильм премьераси.
9.45 «Алешанинг эртаклари». Мультфильм.
9.55 «Тонг юлдузи».
10.45 «Пи» белгиси билан».
11.35 Янги авлод танлайди.
12.25 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 14-серия.
12.50 Шоир Л. Ошанининг юбилей концерти.
14.10 «Волхонкадаги уй». Кўп серияли телефильм премьераси. 1-фильм.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Саёҳатчилар клуби».
16.10 «Кичкинтой ёнот». Мультфильм.
16.20 «Крокодил»—70 ёшда».
17.20 Эфирда бевосита мулоқот.
18.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.40 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.55 «Уолт Дисней таништиради...»
19.45 «Россия тароналари» телерадиоталановининг соврондори Л. Николаева куйлайди.

Якшанба кинокўрсатуви

20.00 Кино янгиликлари.
20.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Бош инспектор». Бадиий фильм (АҚШ).

*

22.00 «Якунлар».
22.45 «Телелоцня».
23.00 «Парадиз-коктейль». В. Леонтьев иштирокида.
24.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 «Ибодатхона томон йўл».
8.50 Мульти-пульти. «Икки ричарь».

*

9.00 — 10.15
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

«Қудратимиз — дўстлигида».
«Умид» (уйғур тилида).

*

10.15 «Кироллиндаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм. 8-серия.
10.45 «Ати-бати...».
11.15 Телекроссворд.
11.45 Таниқли фильмлар кинотеатри. «Севишганлар». Бадиий фильм.
13.05 «Калит» кўрсатуви. «1812 йил момақалдироғи». 8-фильм.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.55 «Лого» телеўйини.
14.25 «Дораэмон». Мультфильм премьераси. 6-серия.

*

14.40 — 16.15
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

Телевернисаж.
«Қардошлик оҳанглари».
«Ҳамкорлик» кўрсатуви.

*

16.15 «Познер ва Донахью».
16.45 «Ҳайвонот оламида».
17.45 Спорт кўрсатуви.
17.50 «Ҳар бир кун байрам».
18.00 Хабарлар.
18.20 Параллеллар. «Маданият орқали тинчликка».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.30 Хабарлар.
18.45 «Хонанда».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.15 Голливуд классик фильмлари фестивали. «Алвидо, куроль».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Контрастлар».
21.40 Парламент хабарномаси.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 «Маски-шоу».

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 9 октябрь сонидан олинди.

Бекобод шаҳри янгиликлари

ЧИҚИНДИ БЎЛМАЙДИ

Бекобод металлургия заводи Олмония билан тузган шартномага кўра электр қуввати билан пўлат эритиш цехида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Тўла қувват билан маҳсулот бераётган қувурлар ишлаб чиқариш цехи ёнида, маҳсулотни зангдан, чиришдан асрайдиган қобиқ тайёрлаш цехи қурилаётир.

Корхона айни пайтда чиқиндисиз ишлашга ўтди. Қолдиқ маҳсулотлардан халқ истеъмол буюмларини тайёрлаш кўпайтирилмоқда. Хусусан, яқиндан бошлаб заводда кофе майдалагич, телевизор курсичаси, темир панжаралар тайёрлаш йўлга қўйилди.

ФАХРИЙЛАР НАМУНА

Цемент комбинати айланма печлар машинисти Соли Мусаев, темир йўл корхонаси созловчиси Тўлқин Маматкаримов, шаҳардаги темир-бетон буюмлари комбинати арматурачиси Ихтиёр Ашуровлар ўзлари хизмат қилаётган жамоаларининг фахрийлари ҳисобланадилар.

Мустақиллик йилида улар меҳнати муносиб тақдирланди. Фахрийлар байрам арафасида Мустақиллик медали билан мукофотландилар.

БОЛАЛАР БОҒИ КЕНГАЙМОҚДА

Шаҳарда учта истироҳат боғи бўлиб, уларнинг ҳаммасида меҳнаткашлар дам олишлари учун қулайликлар яратилган. Яқинда ҳокимлик болалар боғини кенгайтириш тадбирларини ишлаб чиқди.

Бу оромгоҳда ўйин майдончаларидан ташқари тарбиявий мавзуларда суҳбат ўтадиган клублар ҳам бўлади. Хозир ана шундай клублар ҳар бир даҳала фаолият кўрсатаётир.

Зулфия ЖАМОЛОВА.

ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

ИНОБАТГА ОЛИНДИ

Кинофильмларни ижарага берувчи жумҳурият идорасининг нашри бўлган «Экран янгиликлари» тижорат-ахборот ҳафталигининг шу йилги 39-сонини ўқиб ўтириб, вилоятимизнинг айрим кинотеатрлари ҳали ҳам русча номлар билан, айримлари эса замонамизга энди мос келмай қолган номлар билан аталаётганини билиб қолдим.

Қаранг: Келесда «Спутник», Қибрайда «Союз», Янгийўлда «Победа», Янгиободда «Радуга», Бўкада «Октябрь 50 йиллиги» ва ҳ. к.

Бу қандай гап ўзи? Ҳафталик янглиш маълумот бераяптими ёки бизлар ҳали ҳам кинотеатрларга дурустроқ ўзбекча ном тополмай қийналиб турибмизми? Тил ҳақидаги Қонун қабул қилинганига ҳам эрта-индин уч йил бўлади. Бу масалада аллақачон бир фикрга келишимиз мумкин ва лозим эди. Майли, кечроқ бўлсада, кўпчиликнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда бу ишга киришиб ўз томошагоҳларимизга ярашиғлиқ ўзбекона номлар қўйиб олайлик.

Мен ўзимнинг шу масаладаги таклифларимни Сизлар билан ўртоқлашмоқчиман.

Номи ўзгартириладиган ва қурилажак кинотеатрларга «Бахт», «Шарқ», «Қоинот», «Ёшлик», «Орзу» каби ва йил фасллари ҳамда табиат ҳодисаларини эслатувчи номларни қўймай, кўпроқ Ўзбекистон киноси тараққиёти учун катта хизмат қилган машҳур актёрлар, режиссёрлар, операторлар (Сулаймон Хўжаев, Х. Девонов, Раҳим Пирмуҳамедов, Л. Саримсоқовалар)нинг, шунингдек шаҳар, қишлоқ, районларда биринчи бўлиб кино кўрсатишни ташкил этган маданият ходимларининг, дастлабки киномеханикларининг (уларни аниқласа бўлади) номлари билан атасак ниҳоятда савобли иш қилган бўлур эдик.

А. МУТАЛОВ, ҳуқуқшунос.

*

● ҚУЙИЧИРЧИҚ районидаги «Огонёк» совхозининг маиший хизмат уйи чеварларидан ёшу қари миннатдор бўлмоқда. Қишлоқ чеварлари барча буюртмаларни муддатида, кўнгилдагидек қилиб тикиб беришмоқда. Суратда: маиший хизмат уйининг тикиш цехи мудири Зоя Пак (чапдан иккинчи), чеварлар Людмила Макарова, Лариса Рибакова ва Насибгул Алимбоевалар иш устида.

Даврон АҲМАД сурати.



*

«МЕДИЗ»—БИР ЁШДА

Куни кеча Ўрта Осиёда ягона бўлган, бир марта қўлланувчи шприцлар ишлаб чиқарувчи «Медиз» заводи фаолият кўрсата бошлаганига бир йил бўлди. Ана шу қисқа, лекин ўта масъулиятли давр мобайнида корхона 90 миллионга яқин турли ҳажмдаги шприцлар ишлаб чиқариб, республикамиздаги болалар уйлари, барча тиббий муассасаларга етказиб берди.

Корхона ишчи-хизматчилари ўз байрамларини очиқ чеҳра, ёруғ юз билан нишонлашди. Пойтахтимиздаги «Салом» чойхонасининг катта зали шу куни улар билан янада гавжум бўлди. Тантанага республикамизнинг барча вилоятларидан меҳмонлар, акционерлар ташриф буюришди.

«Медиз» акционерлик корхонаси бошқарувининг раиси Саидикром Аҳроров ҳамда корхона директори Анвар Толипов йил давомида сидқидилдан меҳнат қилиб, барчага ўрнак бўлаётган ишчиларга, шунингдек, ўз тажрибаси билан ўртоқлашаётган филиппинлик биродарларга бошқарув ҳамда маъмуриятнинг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғаларини топширишди.

Республика соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Равшан Тўлаганович Султонов жамоа аъзоларини байрам билан қутлар экан, уларга ўта мураккаб ҳамда масъулиятли ишларида муваффақиятлар, ўзларига эса соғлиқ тилади. Мазкур корхона қурилишида фаол иштирок этган ва ўз вазифасига жиддий муносабатда бўлиб, яхши натижаларни қўлга киритаётган бош муҳандис Валерий Свистунов, директорнинг тижорат ишлари бўйича муовини Абдуғофур Юсупов, цех бошлиқлари Вадим Кан, Саъдулла Хусаиновларга соғлиқни сақлаш вазирлигининг фахрий ёрлиқларини топширди.

Р. УСМОНОВА.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТР САҲНАСИДА

«БИЛЛУРДАГИ ДОҒ»

КУНИ кеча Тошкентдаги Ҳамза номли академик драма театри ижодкорлари ўз томошабинларига яна бир янги асар тақдим этдилар. «Биллурдаги доғ» деб ном олган мазкур асар бугунги кунда ўзининг 60 ёшини нишонлаётган драматург Муҳаммад Ҳайруллаев қаламига мансубдир. Асар режиссёр Сергей Каприелов томонидан саҳналаштирилган.

Спектаклда поклик, ҳалоллик ҳақидаги ғоя илгари сурилиб, порахўрлик, таниш-билишчилик, мунофиқлик каби иллатларга қарши курашилади.

Ушбу асарда асосий ролларни Ўзбекистон халқ артисти Пўлат Саидқосимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Тўти Юсупова, Саидкомил Умаров, Малика Иброҳимова, артистлар Фатхулла Маъсудов ва Қаҳрамон Абдураҳимовлар ниҳоятда жозибали ижро этганлар. Янги саҳна асари эзгу ниятли инсонлар қачондир ҳурмат қозонишини, нопоклар эса жазоланишини, «биллурдаги доғ»дек ювиб юборилишини ҳаққоний тасвирлайди.

Раъно МУҲАММАДАЛИЕВА.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

ТАШКИЛОТ

АВТОСЕРВИС УЧУН ҚУЙИДАГИ УСКУНАЛАРНИ

СОТУВГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

● «Элдис-1010, 1200» мувозанатлаш дастгоҳларини;

● автомобиллар учун кўтаргичлар;


● ғилдиракларнинг жойлашувини ростловчи стенд;

● шиналарни ўрнатиш ва бўшатиб олиш;

● электр вулканизатор ва бошқа мосламалар.

МАНЗИЛИМИЗ: 700099. Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 118-уй, 607-хона.

ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 34-25-81, 34-66-44.



Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида А—3 форматида босилади.

Буюртма — Г-284. Индекс: 64672. Тиражи 31650. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.00.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12